

Ўзбекистон туманида "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни шакллантириш давом этмоқда

Туманда «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни шакллантириш штаблари иш бошлаган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 8 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишда барча маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" шакллантирилиб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психолого-күллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилиши айтиб ўтилган эди.



Туманда штаб йиғилишлари ўтказилиб, секторлар кесимида уйма-уй юриш орқали белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда хонадонларни ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

Бугунги кунда туманда 47 минг 270 тага яқин хонадон, 63 минг 950 га яқин оила мавжуд. Туманда мазкур оиласларни ўрганиб чиқиш учун 7 кишидан иборат туман штаби, 4 та секторда 8 кишидан иборат сектор штаблари тузилган.

Маълумот учун, «Ёшлар дафтари»га 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, «Аёллар дафтари»га эса 30 ёшдан ошган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, бандлигини таъминлашга эҳтиёжи бор бўлганлар киритилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати